

Эшназаров Т.Ш.
Тошкент Молия институти
профессори, и.ф.д.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҒАЗНА ИЖРОСИ: БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бюджет касса ижросининг моҳияти ва афзалликлари даромадларнинг келиб тушиши ва харажатларнинг амалга оширилишини барқарорлаштиришдан иборат. Ушбу жараён Давлат бюджетининг касса ижросини режалашибтириш ва бошқаришнинг мураккаб тизимини ўзида мужассам этади ва, ўз навбатида, Давлат бюджети ижросини режалашибтириш механизмини талаб этади.

Давлат иқтисодиётни тартибга солиш тизими орқали иқтисодий муносабатларнинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Давлатнинг ўз вазифа ва функцияларини бажаришга ҳамда иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини амалга оширишга имкон берадиган воситалардан бири Давлат бюджетидир.

Давлат бюджети иқтисодий восита сифатида ижтимоий ишлаб чиқаришга сон ва сифат жиҳатдан таъсир этишга қодир. Сон жиҳатдан таъсир этиш Давлат бюджети молиявий ресурсларини пропорциялар билан тақсимлаш билан белгиланса, сифат жиҳатдан таъсир этиш эса қайта ишлаб чиқариш жараёнида иштирокчиларнинг молиявий ҳолатига молиявий муносабат шаклларини ташкил қилиш билан белгиланади. Давлат ихтиёридаги марказлашибтирилган пул жамғармаларининг самарали ижроси давлат юритаётган сиёсатнинг муваффақиятли бўлиши имкониятини беради.

Давлат бюджетининг касса (тушумнинг ҳақиқатда тушиши ва маблағнинг ҳақиқатда чиқиши) ижроси мамлакат зиммасига юклитилган мажбуриятларни ижро этишининг муҳим механизми ҳисобланиб, ғазначилик тизимида бюджетининг касса ижроси Ягона (ЯҒХ) ёки ҳудудий ғазна ҳисобварақларига пул тушумлари ва ундан амалга оширила-

диган харажатлар молиявий жараёнларини ўз ичига олади. Бюджет касса ижросининг моҳияти ва афзаллиги даромадларнинг келиб тушиши ва харажатларнинг амалга оширилишини барқарорлаштиришдан иборат. Ушбу жараён Давлат бюджетининг касса ижросини режалашибтириш ва бошқаришнинг мураккаб тизимини ўзида мужассам этади ва, ўз навбатида, Давлат бюджети ижросини режалашибтириш механизмини талаб этади.

Режалашибтиришнинг асосий мақсади хатоқарорлар қабул қилиш хавфини пасайтирувчи воситалар ва муқобил вариантларни аниқлашдан иборат бўлиб, биринчи вазифаси, тезкор режаларнинг тахминий вариантларини ишлаб чиқиш бўлса, иккинчиси, молиявий маблағларга бўлган муайян эҳтиёжни аниқлаш ва уларни прогноз қилишдан иборатdir.

Бюджет ижросини режалашибтириш касса тушумлари ва касса тўловларининг мувофиқлигини таъминлаш ҳамда маблағлар жалб қилиш режаларини ишлаб чиқишга асосланган бўлиб, бюджетнинг даромадлари ва харажатларини кассали режалашибтириш ва пул маблағларини кассали бошқаришдан иборатdir.

Бюджетни кассали режалашибтириш – бу даромад тушумлари прогнозлари, харажат иқтисод ва молия / экономика и финансы 2013, 12

жалари йиғиндиси ҳамда уларга тузатишлар киритишнинг тезкор механизмидир. Бюджет пул маблағларини кассали режалаштиришни бешта асосий таркибий қисмга ажратиш мумкин:

– даромадлар прогнози ва харажатлар реджаси асосида касса оқимларининг йиллик реджасини ишлаб чиқиш;

– манбалар бўйича ғазна ҳисобварақларига даромадлар тушумларини ташкил қилиш;

– бюджет харажатларини ижро этиш учун маблағларнинг ўз вақтида ажратилишини таъминлаш;

– амалдаги ижро мониторингини юритиш ва уларни режадаги маълумотлар билан солишириш;

– эмиссия ва давлат қарзини қайтариш – қисқа муддатли ортиқча маблағларни энг қулай шартларда бюджет тадбирларини молиялаш учун йўналтириш.

Юқоридаги таркибий қисмларнинг бирини олиб ташлаш пул маблағларини режалаштириш ва бошқаришнинг бузилишига олиб келади.

Бюджетнинг даромадлари ва харажатларини кассали режалаштириш бу даромад ва харажатларнинг ҳамда маблағ жалб қилиш касса режаларининг умумлашган кўринишидир.

Касса режаси – бу ўтган давр асосида тузилган ва келгуси давр ўзгаришларини ҳисобга олган даромадлар ва харажатлар прогнози ҳамда бюджетдан маблағ олувларнинг келгусидаги тўловлариdir.

Касса режаси Ғазначиликнинг (Ягона) ғазна ҳисобварақларидан ўтувчи молиявий оқимларнинг кунлик прогнозларини кўрсатади. Йил боши ҳолатига кўра, касса режаси бюджетнинг тузилиши лозим бўлган даромадлар ва харажатлар ёйилмаси билан мувофиқлаштирилиб, тушумлар бўйича вазиятнинг ўзгаришига ва амалга оширилаётган харажатларнинг долзарблигига қараб доимий равишда қайта кўриб чиқишни талаб этади ҳамда даромадлар ва харажатларнинг ҳар ойга бўлинган чораклик прогнозларини акс эттиради. Бюджет ёйилмасининг даромад қисмини ишлаб чиқиш учун юзага келган макроиқтисодий кўрсаткичлар, солиқ ставкалари, прогноз қилинаётган давр даромад кўрсаткичлари базасининг ўтган давр маълумотлари асос бўлиб хизмат қилса, унинг

харажат қисмини ишлаб чиқиш учун эса харажатлар сметаси асос вазифасини ўтайди. Харажатлар сметалари харажат моддаларининг ҳажмини, мақсадли йўналишларни, сақлаб туриш ва муайян тадбирларни амалга ошириш учун бюджетдан бериладиган маблағларнинг ҳар ой бўйича тақсимланишини белгилаб беради.

Касса режаларини тайёрлаш даромадлар, тўловлар келиб тушиши ва мажбуриятлар мониторингини ўтказишни талаб қиласди. Ушбу режалардан (Ягона) ғазна ҳисобварақлари бўйича тўловлар учун пул маблағларининг ҳар ойлик ўтказилишини аниқлашда фойдаланилади. Улар тушумларни прогноз қилиш ва ўтган ойлар бюджетининг ижросини таҳлил қилиш учун асос ҳисобланади.

Даромадларнинг ва харажатларнинг касса режаларидан ташқари, маблағ жалб қилиш режалари ҳам тузилади. Маблағ жалб қилиш (қарз олиш) режаси бу тушумлар ва харажатларнинг мувозанатлашувини таъминловчи механизм бўлиб, у пул маблағлари тушумлари ва тўловларининг прогнозлари асосида тузилади ва бу билан бутун режалаштирилаётган давр учун касса режасининг мувозанатлашувига эришилади. Бунда жалб қилиниши лозим бўлган маблағлар бўйича ҳар йили молиялаштириш режаси тайёрланади. Ушбу режа йиллик бюджет билан боғланиб, йиллик қарз бўйича таклиф этилаётган тўловлар миқдори, мақсади, муддатлари ва вақтини аниқлайди. Мазкур молиявий режа маблағ жалб қилиш режалари учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Даромадлар ва харажатларни кассавий режалаштиришнинг таркибий қисмлари Давлат бюджетига маблағлар оқими ҳамда Давлат бюджетидан маблағлар чиқимларидан таркиб топади.

Давлат бюджетига маблағлар оқимига солиқ даромадлари, йиғимлар ва бошқа, солиқдан ташқари тушумлар, хизматлар учун тўловлар, грантлар, фоизлар бўйича тўловлар, активларни сотиш, қарз беришдан ва жалб қилинган маблағлардан тушган тушумлар киради. Давлат бюджетидан маблағлар чиқими эса иш ҳақи, хизматлар, жиҳозлар етказиб бериш, асосий сармоя активлари, қарзнинг асосий суммаси ва фоизлари ҳисобига тўловлар, операция харажатлари, капитал қўйилмалар учун сарф-харажатлар, маҳаллий ҳокимият

органларига субсидиялар, субвенциялар, до- тациялар, бошқа бюджет бирликларига (ма- салан, пенсия жамғармаси) ўтказмаларни, бошқа ўтказмалар (масалан, корхоналар учун), бюджетдан ташқари харажатларни (масалан, корхона ҳукумат кафолати остида олинган қарз бўйича тўловга лаёқатсиз бўлиб қолганда) ўз ичига олади.

Касса режалари ҳар ҳафтада янгиланиб, 57 ҳафтага тузилиши (қўшимча давр билан ҳисоблаганда) мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки бир йиллик вақт оралиғи касса режаларида қайтариш муддати бир йилдан сўнг келадиган ғазначилик облигациялари чиқарилишини, қисқа муддатли қарз мажбуриятлари учун энг узоқ муддатни тўлиқ акс эттириш имконини берибгина қолмай, молия йилининг якунига кўра қўшимча даврда йил бошида касса режаларини янгилаш ва ўтаётган йилнинг касса харажатларини тўлиқ тугаллаш имконини ҳам беради. Бу ҳолат, ўз навбатида, келаётган молия йилининг Давлат бюджети даромадлар ва харажатлар йиллик касса режасини жорий йилнинг охиригача ишлаб чиқилишини тақозо қиласди.

Даромадлар ва харажатлар йиллик кас- са режаси бюджет даромадининг ҳар бир тури (солиқлар, солиқдан ташқари тушумлар ва бошқ.), ва бюджет харажатининг ҳар бир моддаси акс эттирилган ҳолда тузилади.

Амалдаги касса тушумлари ва тўловлар ўртасидаги фарқларнинг даражаси бюджет даромадлари ва харажатларининг кассали режалаштириш мезони бўлиб ҳисобланади. Касса режалари доимий равишда мониторинг ва таҳлил қилиш натижасида олинган прогноз ва амалдаги натижалар ўртасидаги фарқقا қараб ҳар ҳафтада янгиланиб борилишини тақозо қиласди. Прогноз қилишни ҳар ҳафтада янги- лаш жараёни прогноз ва амалдаги натижалар ўртасидаги фарқлар вақтинчалик ёки доимий ўзгаришларни акс эттириш-эттирмаслигини аниқлашга қаратилади.

Бюджет даромадлари ва харажатлари- ни кассали режалаштириш ривожланган ва кўпгина мамлакатларда давлат бюджетига пул маблағларининг оқими ва чиқимини прогноз қилиш усуслари асосида амалга оширилади. Оқимлар, асосан, пул маблағлари тушумни- ning мунтазамлигига боғлиқ. Тушумларнинг мунтазамлиги, ўз навбатида, солиқлар став-

каларидаги ўзгаришларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун оқимларни аниқлаш ва баҳолаш солиқларнинг ўртача ставкаларидаги амалдаги ва кутилаётган реал ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)даги ва нархлар даражасидаги йилдан-йилгасодир бўлаётган ўзгаришлартўғрисидаги иқтисодий тасаввурларни ўз ичига олади.

Ойлик оқимларни прогноз қилишда про- гнозлар ЯИМдаги ўзгаришлар ва инфляцияни ҳисобга олган ҳолда, тузатишлар киритилган ўтган йил учун маблағларнинг ойлик йиғими тенденциялари асосида ҳисоблаб чиқилади. Оқимларни прогноз қилиш усули солиқ став- каларидаги ўзгаришларни кўрсатиш йўли билан мослаштирилиши мумкин. Бунда камида бутун ўтган йил ва у бўйича маълумотлар мавжуд бўлган жорий йилнинг бир ой учун ойлар бўйича тушумлар тўғрисидаги маълу- мотлар тўпланади.

Даромадлар режаси кутилаётган даромадлар ва уларнинг келгусидаги ўзгаришлари тўғрисида фараз қилиш имконини беради. Ойлик чиқимларни прогноз қилишда эса фақатгина харажатларни баҳолаш учун макроиқтисодий ўлчовлардан фойдаланилмайди. Улар бюджетнитайёрлашватасдиқлашвақтида, яъни инфляциянинг ўсиши бюджетнинг ўсишига олиб келмайдиган, айни пайтда, ЯИМнинг ўсиши йиғимларнинг ўсишига олиб келадиган вақтда ҳисобга олинади. Мазкур усул амалда ажратилган маблағлар ставкала- ridagi ўзгаришларни кўриб чиқиш имконини ҳам беради. Иш ҳақларини ҳисобга олишда, масалан, йил ўртасида иш ҳақларининг тасдиқланган ўсиши билан боғлиқ юқори харажатлар кейинги ойлар учун ҳам прогноз қилиниши мумкин. Бундан ташқари, ҳафталик ҳамда кунлик прогноз қилиш усуслари касса режаларини тузишда муҳим ҳисобланади.

Бундан ташқари, давлат ғазнасига туши- ши лозим бўлган тушумлар тўғрисидаги ах- боротлар ҳам муҳим ҳисобланади. Масалан, Австралия ғазначилиги касса оқимлари тўғрисидаги ахборотни ташкилотлар томо- нидан ҳар ҳафтада тақдим этилишини та- лаб қиласди. Бундай усул 98 кун олдинга кун- лик оқимлар ва чиқимларни, шу жумладан, ҳафталик оқимларни прогноз қилиш имконини беради.

Шунингдек, прогноз қилишнинг статистик усуслари ҳам мавжуд бўлиб, улар динамик иқтисод ва молия / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ 2013, 12

қаторлар билан намоён этилган иқтисодий кўрсаткичларни экстраполяция қилиш билан боғлиқ.

Экстраполяция – бу динамик қатор тенденциясини топиш, яъни аввалги даражалар маълум бўлган бир пайтда кейинги даражалар кўрсаткичларини топиш демакдир. Динамик қаторлар тенденциясининг экстраполяцияси тез-тез ишлатилади, чунки у анча содда бўлиб, нисбатан кичик ҳажмдаги ахборот ҳажмини ва содда математик усуулларни талаб қиласди. Бунда масалан даромадларнинг йилларро тушумларини ёки харажатларини прогнозлаштириш мумкин.

Касса режасининг амалдаги ижросини таҳлил қилмасдан ва баҳоламасдан туриб самарали касса ижросини амалга ошириб бўлмайди. Бу эса, ўз навбатида, харажатлар устидан умумий назоратни амалга оширишни, маблағ жалб қилишнинг энг паст қийматини аниқлашни ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажат лимитларини (харажатларни тўлаш учун рухсатномалар) асосини таъминлаб, пул маблағларини кассали бошқаришга хизмат қиласди.

Пул маблағларини кассали бошқаришнинг мақсади барча бюджетларнинг ижросини ўз вақтида якунлаш, эҳтимолли хатарларни пасайтириш, тўловларни ўз вақтида амалга ошириш ва тушумларни қабул қилиш харажатларини камайтиришдан иборатdir.

Бюджетнинг ғазна ижроси чоғида унинг пул маблағларини бошқаришнинг асосий воситаларидан бири бўлиб, харажатларни тўлаш учун рухсатнома (ХТР) ҳисобланади.

ХТР ҳужжат сифатида бюджет ташкилотининг шахсий ҳисобварағида акс эттирилади ва унга муайян бериб борилади.

Шунингдек, қисқа муддатли қарзлар ҳам самарали кассали бошқаришнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Ушбу қарз воситалари йил мобайнида бюджет даромадларининг тушуми кечикиш билан кутилаётган ҳолларда бюджетни узлуксиз ва бир текис таъминлаш учун ишлатилади.

Давлат бюджети доирасида кассанинг яхши бошқарилиши ликвидликни бошқаришнинг банк тизимини яхшилайди. Чунки банк тизимида Ғазначиликнинг молиявий оқимлари энг катта миқдорни ташкил қиласди ва ўз омонатларида ёки ўзининг маблағ жалб қилиш

фаолиятида, кескин ўзгаришларни амалга оширган ҳолда, банк тизимининг ликвидлиги бузилишига таъсир қиласди. Ривожланган мамлакатларда, жумладан, Францияда ғазначилик тизими давлат бюджети пул маблағларини бошқаришда Франция банки билан ҳамжиҳатликда иш олиб боради. Бюджет харажатларини доимий пул маблағлари билан таъминлаб туришда банкнинг бўш маблағлари ҳам восита сифатида ишлатилади. Бунда, биринчидан, даромадлар тушуми ўртасидаги қисқа муддатли узилишлар ва давлатнинг харажатларини (кўзда тутилмаган харажатлар ҳам) ўз вақтида тўлашнинг (чунки давлат бюджети ҳисобидан тўлаб бериладиган харажатлар кечикирилса, амалдаги Франция қонунчилигига асосан бўнак ёки жарима ундирилади), иккинчидан, банк муассалари бюджет маблағларининг маълум бир қисмидан доимий фойзларсиз фойдаланишининг имкони мавжуд бўлади. Бошқа ривожланган мамлакатларда эса фойзлар ҳисобига давлат маблағлари тартибга солувчи ставкаларда фонд бозорларига жойлаштирилади ва фондлардан ёки банк муассасаларидан давлат харажатлари учун муддатли қарз маблағлари жалб қилинади.

Бюджетлар ҳисобварақларининг ликвидлигини ошириш – бюджет маблағларидан янада самарали фойдаланиш ва молиявий ресурсларни бошқаришнинг сифатини яхшилашдаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Бугунга келиб, Россия Федерациясида ҳам федерал бюджетнинг ягона ҳисобварағидаги маблағлар қолдиқларини бошқаришнинг санарадорлигини таъминлаш Федерал даражада банк депозитларидағи федерал бюджет маблағларини жойлаштириш механизмини такомиллаштириш ҳамда кредит ташкилотлари билан РЕПО (қимматли қоғозларни маълум муддатга сотиб олиш ва белгилangan нарҳда қайтариб сотиш) шартномалари бўйича қимматли қоғозлар олди-сотдисини амалга оширилиши ҳисобига эришилмоқда. Ликвидликни бошқариш ягона ҳисобварақда пул маблағларининг зарурий энг кам даражасини таъминлаш ва вақтинчалик бўш турган маблағлар қолдиқларини жойлаштириш бюджетнинг қўшимча даромадларини олишни ва молиявий ресурсларни бошқариш жараёнла-

рининг самарадорлигини ошириш учун зарур шароитларни яратади.

Давлат маблағларини фонд бозорларига жойлаштиришда ортиқча маблағларни бошқариш қисқа муддатли фоиз ставкаларидаги ортиқча беқарорликка йўл қўймаслик учун ҳам катта аҳамиятга эга. Заҳираларнинг камайиши ставкаларни оширган ҳолда банклар ўртасида рақобатни кучайтиради, айни пайтда, заҳиранинг меъеридан ортиқ бўлиши нархларни пасайтирган ҳолда уларни сотишга ундейди. Бунда прогнозлар қанчалик аниқ берилса, субъектлар ўз операцияларини шунчалик самараали амалга оширишлари мумкин.

Ғазначилик маблағлари қолдиқлари кутилмаган жиддий ўзгаришларининг кунлик асосда содир бўлиши банклар томонидан ушбу ўзгаришларни бошқаришнинг қатор воситаларини ишлаб чиқишина тақозо этади. Шунингдек, ликвидликни бошқариш ва заҳираларни прогноз қилишда узилишларга йўл қўймаслик учун ғазначиликнинг инвестиция сиёсатидаги ўзгаришлар туфайли юзага келган имкониятли сармоядорларнинг банк тизимига таъсирини ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқdir.

Давлат бюджетини узлуксиз маблағ билан таъминлашда давлат активларини инвестиция

қилиш ва бошқариш ҳам муҳим роль ўйнайди. Инвестициялаш учта мақсадни кўзлайди: биринчидан, ликвидлик; иккинчидан, фойда олиш; учинчидан эса бу хавфсизлик бўлиб, давлат активлари хавфсизлиги ҳар доим биринчи ўринга қўйилади.

Давлат активларини инвестиция қилишнинг қонунчилик билан мустаҳкамланиши тақозо этилади. Бу эса, ўз навбатида, инвестиция қилиш ва барча инвестиция маблағларини ғазначилик бошқарувида Марказий банкда марказлаштириш ва Марказий банк билан ҳуқуқий муносабатларни белгилаб олиб, банк муассасаларининг инвестиция маблағларига рақобат тендерларини ўtkазиш имкониятларни беради (бу амалиёт кўпгина хорижий мамлакатларда қўлланилиб келинмоқда).

Бизнингча, эндиғина дунё ғазначилигига ўз тамойиллари билан кириб келаётган ривожланиш йўлидаги тизимларга унинг нафақат давлат молияси, балки мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишида ўз ўрнига эга бўлишида юқорида келтирилган йўналишлар истиқболли бўлиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, 01.02.2012, №2320).
3. Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидалари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, 16.09.2009, № 2007).
4. Давлат бюджетининг пул маблағларини режалаштириш ва бошқариш тартиби (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, 17.06.2010, №112).
5. Бочарова О. Миссия у казначейства всегда одна – беречь государственную казну. // «Владимировские ведомости», 2013, №4.
6. Тишина Т. О механизме централизации средств на едином счете бюджета субъекта РФ. // «Финансы», 2013, №5.
7. Эшназаров Т. Ўзбекистон Республикасида ғазначилик тизими асослари (ўқув қўлланма). – Т.: «Iqtisod-moliya», 2012.
8. Акперов И.Г. и др. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации (учеб. пособие). – М.: «Финансы и статистика», 2011.
9. Государственный бюджет о подготовки до исполнения. Министерство Экономики, финансов и планирования Франции. – Париж, 1995.